

**ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ЯККА
ТАРТИБДАГИ ПРОФИЛАКТИКАСИ ОБЪЕКТЛАРИ БИЛАН
ИШЛАШДАГИ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ**

Бабаханов Ҳамдам Қадамович

Ўзбекистон Республикаси

ИИБ Академияси Ҳуқуқбузарликлар

профилактикаси фаолияти

кафедраси ўқитувчиси, майор

Мамасолиева Наимахон Музаффар қизи

Ўзбекистон Республикаси

ИИБ Академияси кундузги таълим

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти

ихтисослиги 3-ўқув курси

309-ўқув гуруҳи курсанти

Аннотация: Мақолада профилактика инспектори томонидан ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси, объектлари ва уни олиб бориш усуллари таҳлил қилинган. Ишонтириш ва рағбатлантириш усулларининг профилактика самарадорлигидаги аҳамияти кўрсатилган.

Калит сўзлар: Профилактика инспектори, якка тартибдаги профилактика, ҳуқуқбузарлик, профилактик чора-тадбир, ишонтириш, рағбатлантириш.

Аннотация: В статье инспектором по профилактике проанализированы индивидуальная профилактика правонарушений, объекты и методы ее проведения. Показано значение методов убеждения и стимулирования в эффективности профилактики.



Ключевые слова: Инспектор по профилактике, индивидуальная профилактика, правонарушение, профилактическая мера, убеждение, поощрение.

Хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасалар томонидан амалга оширилади. Ушбу фаолиятнинг асосий мақсади – ғайриижтимоий хулқ-атворга эга, хуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган ва хуқуқбузарлик содир этган шахсларни аниқлаш, уларнинг ҳисобини юритиш, тарбиявий таъсир кўрсатиш орқали уларни ахлоқан тузатиш, ижтимоий ҳаётга мос хулқ-атвор ва турмуш тарзини шакллантириш ҳамда назорат қилишдан иборат.

Якка тартибдаги профилактика объекти – бу хуқуқбузарлик содир этишга мойил шахслар, хуқуқбузарлик содир этган шахслар ёки хуқуқбузарликдан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган (виктимлиги юқори) шахслар бўлиб, уларга самарали таъсир кўрсатиш имкониятига эга. Профилактика инспектори якка тартибдаги ишлар давомида шахсларнинг ижтимоий-демографик (ёши, жинси, оилавий аҳволи, касби, маълумоти, яшаш ва ўқиш жойи), маънавий-руҳий (қизиқишлари, қадрият ва меъёрларга муносабати, дунёқараши, характери) ва биофизиологик (жисмонан ва рухан соғлиги, генетик хусусиятлари, жисмоний имкониятлари) хусусиятларини ўрганади. Олинган маълумотлар асосида профилактик чоралар ишлаб чиқилади ва амалга оширилади.

Якка тартибдаги профилактика виктимологик профилактика доирасида ҳам қўлланилиши мумкин. Бу ҳолатда асосий эътибор хуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахслар ва жабрланган шахсларга қаратилган.

Якка ва умумий тартибдаги профилактика орасидаги фарқ – объектнинг таркибида. Якка тартибдаги профилактикада таъсир бир шахсга йўналтирилади, умумий тартибдаги профилактикада эса бир гуруҳ ёки катта миқдордаги шахсларга (ўнлаб, юзлаб, минглаб) таъсир қилинади. Шунингдек, баъзи ҳолатларда бир гуруҳ шахслар ҳам якка тартибдаги профилактика объекти бўлиши мумкин, масалан, жанжалкаш оилалар.

Якка тартибдаги профилактиканинг амалиёти давомида профилактика инспектори шахснинг яшовчи ижтимоий муҳитини, ижтимоий-маиший шароитларини, ғайриижтимоий хулқ-атвори ва ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллигини, содир этилган ҳуқуқбузарликнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини ва бошқа тегишли омилларни ҳисобга олади. Шу йўл билан профилактика шахсни ҳуқуқбузарликнинг салбий оқибатларидан ҳимоя қилиш ва хавфсизликни таъминлашга қаратилган.

Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари томонидан ўз фаолият йўналишлари ва ваколатларига мувофиқ амалга оширилади, бу эса профилактик таъсирни янада самарали ва аниқ қилади.

“Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунида асосий принциплардан бири сифатида **“ишонтириш усулининг устуворлиги”** белгиланиши ушбу усулнинг аҳамияти ва долзарблигини янада оширди. Бу эса ишонтириш усули ҳар бир профилактик чора-тадбирда ўз ифодасини топиши зарурлигини талаб қилади.

Якка тартибдаги профилактикада қўлланиладиган асосий ишонтириш чоралари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Профилактик суҳбатлар ўтказиш;
- Жамоат ташкилотлари ва меҳнат жамоаларида муҳокамалар ташкил этиш;

- Жамоат тарбиячилари ва мураббийлари орқали профилактика қилинувчи шахсларни тарбиялаш;
- Жабрланувчиларга шахслар ўртасидаги низоларни ҳал этиш усулларини ўргатиш;
- Хужум қилинган ҳолатда зарурий муҳофаа ва охириги зарурат ҳақида маълумот бериш;
- Аҳолига ҳукуқий тарбия ва таълим бериш.

Рағбатлантириш усули якка тартибдаги профилактиканинг муҳим жиҳати ҳисобланади. Бу усул орқали профилактика ҳисобида турган шахсларнинг ахлоқан тузалаётгани ва ижтимоий позитив хулқ-атворини шакллантира бошлаганлиги эътироф этилади, шу билан бирга қўшимча имтиёзлар ёки имкониятлар тақдим этилиши мумкин.

Рағбатлантиришнинг асосий мақсади – профилактика қилинувчи шахснинг ижтимоий муҳит билан муносабатини тўғри йўлга қўйиш ва жинойий ниятларидан қайтаришдан иборат.

Ушбу усул қуйидагиларда намоён бўлади:

- Биринчидан, шахснинг муддатидан олдин тўлиқ тузалаётганидан далолат берувчи аломатлар мавжуд бўлса, муддатидан олдин профилактика ҳисобидан чиқариш;
- Иккинчидан, шахс муддатидан олдин тўлиқ тузалаётганидан далолат берувчи аломатлар мавжуд бўлса, муддатидан олдин маъмурий назоратни ечиш тўғрисида судга тақдимнома киритиш;
- Учинчидан, жинойят содир этган шахснинг шахси ва ишдаги бошқа ҳолатларни эътиборга олган ҳолда, айбдорга тайинланган жазони ўтказмасдан унинг хулқини назорат орқали тузатиш (шартли ҳукм қўллаш);
- Тўртинчидан, озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга юбориш ёки хизмат бўйича чеклашга ҳукм қилинган шахсларнинг ёки

ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинганларнинг белгиланган талабларни бажаргани учун муддатидан олдин шартли озод қилиниши;

- Бешинчидан, озодликдан маҳрум қилинган ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларнинг жазонинг ўталмаган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштириш;

Олтинчидан, муайян муддатга транспорт воситасини бошқариш ёки ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилинган шахслар намунавий хулқ-атвор кўрсатган ҳолатда, ҳуқуқдан маҳрум қилиш муддатини қисқартириш;

Еттинчидан, ҳуқуқбузарликдан жабрланишдан ҳимоя усул ва воситаларини тўлиқ ўзлаштирган шахсларнинг ютуқларини жамоа олдида эътироф этиш;

Саккизинчидан, ушбу усулларни ишлаб чиқиш ва оммалаштиришда фаол иштирок этган шахсларни моддий ёки маънавий рағбатлантириш.

Ишонтириш ва рағбатлантириш усуллари якка тартибдаги профилактиканинг самарадорлигини оширади ва шахснинг ижтимоий ҳаётга мос хулқ-атворини шакллантиришга хизмат қилади.

Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини олиб бориш жараёнида жиддий ёндашиш талаб этилади. Хусусан, профилактик ҳисоб ишларини юритиш масаласига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Ҳар бир профилактик ҳисоб иши бўйича ҳисобга олинган ҳамда маъмурий назоратга олинган шахснинг шахси ва хулқ-атворини обдон ўрганиш, шу асосда якка тартибдаги профилактик ишларни ташкил этиш учун индивидуал режа тузиш тавсия этилади.

Индивидуал режада амалга ошириладиган профилактик чора-тадбир аниқ кўрсатилиши, уни ўтказиш усули, шакли, жойи ва вақти белгилаб қўйилиши лозим. Профилактика инспектори юритувида бўлган бир неча профилактик ҳисоб ишлари ва маъмурий назоратда турган шахслар бўйича тузилган индивидуал режаларда белгиланган вазифаларни кунлик

иш режасига киритиб бориши ва уларнинг бажарилишини таъминлаши керак.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 1 декабрдаги “Жамоат тартибини сақлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги Ҳукумат қарорларини тизимлаштириш тўғрисида”ги 754-сон қарорида:

Профилактика инспектори:

спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки инсон ақл-иродасига таъсир этувчи бошқа моддаларга қарам бўлиб қолган шахсларнинг турмуш тарзи, хулқ-атвори ва оилавий шароитини ўрганади, улар билан якка тартибда профилактик суҳбатлар ўтказади, ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширувчи субъектлар билан биргаликда касбий лаёқатидан келиб чиқиб, касб-ҳунар ўрганишга жалб қилиш, соғлом ҳаётга қайтариш, ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва бошқа ёрдамлар кўрсатиш, шунингдек, ушбу салбий одатга ружу қўйишнинг омилларини бартараф этиш мақсадида тиббий кўрикдан ўтказиш ва комплекс психологик-тиббий реабилитация қилиш чораларини кўради;

қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларга ружу қўйган шахсларнинг турмуш тарзи, хулқ-атвори ва оилавий шароитини ўрганади, улар билан профилактик суҳбатлар ўтказади, ушбу ўйинларнинг салбий оқибатларини ва жавобгарликни тушунтиради, унинг омилларини бартараф этишга кўмаклашади;

ғайриижтимоий хулқ-атворли шахсларнинг турмуш тарзи, хулқ-атвори ва ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларининг сабабларини ўрганади, улар билан якка тартибда профилактик суҳбатлар ўтказади, уларни соғлом ҳаётга қайтариш ҳамда бундай салбий хатти-ҳаракатларни бартараф этиш чораларини кўради деб белгиланган.

Якка тартибдаги профилактик ишларни ташкил этиш жараёни куйидаги босқичларга бўлинади:

Биринчи – тайёргарлик босқичи. Ушбу босқичда ғайриижтимоий хулқ-атворга эга, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил, ҳуқуқбузарлик содир этган, маъмурий назоратга ёки профилактик ҳисобга олинган шахслар ҳамда ҳуқуқбузарликдан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахслар тўғрисида тўлиқ маълумотлар йиғилади. Бу маълумотлар шахснинг ўқиш, иш, яшаш жойи ва унга нисбатан юритилган ҳуқуқбузарлик ишларини ўз ичига олади. Шунинг асосида якка тартибдаги профилактика иши учун индивидуал режа тузилади.

Иккинчи – профилактика фаолиятини олиб бориш босқичи. Бу босқичда қонун ва қонуности меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тартибда якка тартибдаги профилактик чора-тадбирлар амалга оширилади. Вазият талабига кўра бу чора-тадбирлар ўзгартирилиши ёки қўшимча профилактик усуллар ҳам қўлланилиши мумкин.

Учинчи – якунловчи босқич. Бу босқичда олиб борилган профилактик тадбирлар натижаси таҳлил қилинади. Муайян муддатда профилактика олиб борилган шахсга кўрилган профилактик чора қандай таъсир қилганлиги очиқ ва ноошкора йўллар билан текширилади. Шундан сўнг, шахсга нисбатан профилактик ишларни қай тарзда давом эттириш масаласи ҳал қилинади: масалан, муддатидан илгари профилактик ҳисобдан чиқариш ёки маъмурий назорат муддатини узайтириш тўғрисида тақдимнома киритиш, ёки индивидуал режага мувофиқ профилактик ишларини давом эттириш.

Юқоридаги босқичлардан кўриниб турибдики, ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасининг усул ва шакллари, профилактик чора-тадбирлари ушбу фаолиятнинг мазмунини ташкил этади. Бу билимлар профилактика инспекторига профилактик ишларни самарали

ташқил этиш ва амалга ошириш имконини беради ҳамда
натижадорлигини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси.
3. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисида кодекси.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ўқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371-сон қонуни.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ўқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” ги 2025 йил 3 январдаги ПҚ-1-сонли қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 1 декабрдаги “Жамоат тартибини сақлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ўқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги Ҳукумат қарорларини тизимлаштириш тўғрисида”ги 754-сон қарори.

